

Сийрат 174-дарс. Дажжолдан сақланиш йўли



20:00 / 25.02.2022 3357

679. Абу Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким кечқурун Бақара сурасининг охиридаги икки оятни ўқиса, кифоя қилади»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

680. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Абу Мунзир, Аллоҳнинг Китобидаги энг улуғ оят қайси эканини биласанми?»** дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчи», дедим. **«Эй Абу Мунзир, Аллоҳнинг китобидаги энг улуғ оят қайси эканини биласанми?»** дедилар. «Аллоҳу лаа илааҳа иллаа ҳуу ал-Ҳаййул Қаййум», дедим. Шунда у зот кўксимга уриб: **«Аллоҳга қасам, сенга илм муборак бўлсин, эй Абу Мунзир»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

681. Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Каҳф сурасининг аввалидан ўн оятини ёдласа, дажжолдан сақланади»**, дедилар».

Бошқа ривоятда: **«Каҳфнинг охиридан»**, дейилган.

Муслим ривоят қилган.

682. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳнинг китобида бир сура бор. Унинг оятлари ўттизта. У ўз соҳибига то уни мағфират қилингунча шафоат қилади. «Таборакаллази биядиҳил мулку», дедилар».**

Абу Довуд, Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан